

ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК ЖИХАТДАН ТАДҚИҚ  
ЭТИЛИШИ (1991 -2022 ЙЙ.).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7523823>

Якобжанов Жасур Жамшитжонович

Низомий номидаги ТДПУ

Ўқитувчиси



ELSEVIER



Received: 09-01-2023

Accepted: 10-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract:

Keywords:

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихида Қўқон хонлиги алоҳида аҳамиятга эга давлат саналади. Хонлик тарихига назар ташланса, унда хонликнинг ташкил топишидан бошлаб, сўнгги кунларигача мураккаб сиёсий жараёнлар, кескин ижтимоий-иқтисодий вазиятлар ҳукм сурганини кўришимиз мумкин<sup>57</sup>. Мана шу жихатлари билан тарихнинг барча даврларида Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш тарихчилар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Хонлик тарихини тарихшунослик жихатдан ўрганишда кейинги икки аср давомида амалга оширилган изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият тадқиқотчилар томонидан яратилган асарларнинг йўналиши, даврий ва назарий-методологик ёндашувлари каби хусусиятларига кўра анъанавий даврлаштириш тамойилларига амал қилинганлиги кўзга ташланади. Бу жараёнда тадқиқотчилар хонлик тарихшунослигини даврлаштиришда уч гуруҳга, яъни: 1. Мустамлака даври; 2. Совет даври; 3. Мустақилик даврига бўлиб ўрганишни таклиф этишган. Бошқа тадқиқотчилардан фарқли равишда З. Илҳомовнинг бир қатор ишларида, жумладан “Қўқон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари” деб номланган китобида<sup>58</sup> эса мазкур масаланинг назарий-методологик жихатдан ёндашувлардаги фарқли жихатларини таҳлил қилган ҳолда, тарихий асарлар ва уларда воқеаларнинг ёритилишига бўлган муносабатнинг хусусиятларига қараб мазкур даврларнинг ҳар бирини алоҳида яна таркибий босқичларга

<sup>57</sup> Илҳомов З. Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихи ва тарихшунослик масалалари // Очерки историографии государственности Узбекистана. II том. –Ташкент, 2019. –Б.110–136.

<sup>58</sup> Илҳомов З. Қўқон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари (таҳлил ва мулоҳазалар)... -48 б

ажратиб чиқишни тавсия этади<sup>59</sup>. З. Илхомов мазкур даврларнинг таркибий босқичларини аниқлашда Қўқон хонлиги тарихига оид тадқиқотлардаги концептуал методологик ёндашув хусусиятларини асосий омил сифатида белгилайди.

Ўрганилаётган даврда Қўқон хонлиги тарихининг тарихшунослик жиҳатдан ўрганилишига ҳам тарихчиларимиз томонидан эътибор берила бошланди. Гарчи ушбу йилларда Қўқон хонлиги тарихининг барча соҳаларини камраб олган тарихшунослик таҳлили амалга оширилмаган бўлсада, унинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, дипломатик алоқалари ҳамда хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши тадқиқ этилган. Ушбу йилларда Қўқон хонлиги тарихшунослигига доир дастлабки тадқиқот сифатида Ғ. Аҳмаджоновнинг асарини кўрсатиш мумкин<sup>60</sup>. Ушбу асарнинг дастлабки 1995 йилда эълон қилинган нашрида асосий эътибор учала ўзбек хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олинишининг мустамлакачилик ва совет даврида ўрганилишидан ташқари, ушбу масалага жаҳон ҳамжамиятининг ҳам муносабатини ўрганган. Ушбу монографиянинг кейинроқ, 2003 йилда янги маълумотлар билан тўлдирилган ўзбек тилидаги нашрида олим нафақат юқорида кўрсатилган масалага, балки давлатчилигимиз тарихшунослигида мустақилликнинг дастлабки йилларидаги муаммога ёндашувларнинг қандай ўзгарганини таҳлил этиб берган. Асарнинг илмий ютуғи сифатида ушбу муаммо доирасида илк маротаба турли даврлар тадқиқотларининг таҳлили амалга оширилгани билан белгиланади. Муаллиф асарда дастлаб рус тарихчиларининг, сайёҳларининг, элчиларининг хонлик ҳақида унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданияти борасида билдирган фикрларини маҳаллий манбалар билан солиштиради. Хусусан, элчи Ф. Назаровнинг “Тошкентликлар беғам, ҳашамдорлик хушчақчақликка ҳаддан зиёд берилган, нозиклашган”,-деган фикрини “Тарихи жадидаи Тошканд” асаридаги маълумотлар билан таққослаб ушбу фикрлар ҳақиқатга зид келишини таъкидлайди<sup>61</sup>. Муаллиф кейинги ўринларда Ўзбекистон мустақиллик йилларида яратилган Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларига нисбатан босқинчилик сиёсати ва унинг оқибатларига бағишланган бир

<sup>59</sup> Қаранг: Илхомов З. Қўқон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари (таҳлил ва мулоҳазалар). – Тошкент, 2007. –48 б; Шу муаллиф. Аликули Амирлашкар... –132 б; Шу муаллиф. Илхомов З. Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихи ва тарихшунослик масалалари //Очерки историографии государственности Узбекистана. II том... –Б.110–136.

<sup>60</sup> Ахмеджанов Г. Российская империя в Центральной Азии (история и историография колониальной политики царизма в Туркестане). –Тошкент: Фан, 1995. –218 б.; Шу муаллиф: Россия империяси Марказий Осиёда (Чоризмнинг Туркистонда мустамлакачилик сиёсати тарихи ва тарихнавислиги). –Тошкент: Та’лим манбаи, 2003. –270 б.

<sup>61</sup> Ахмаджонов Ғ. Россия империяси Марказий Осиёда (Чоризмнинг Туркистонда мустамлакачилик сиёсати тарихи ва тарихнавислиги)... –Б.10-11

катор ишларни таъкидлаб, уларнинг олдинги давр тадқиқотларидан фарқли хусусиятларини ҳамда кўлга киритилган илмий янгиликларини санаб ўтади. Асарнинг яна бир ютуғи сифатида Ўрта Осиё хонликларининг “кўшиб олиниши” масаласига доир совет даврида яратилган нафақат асар, мақола, тадқиқотларнинг балки ўша давр ҳукумати томонидан масалага доир қабул қилинган турли қонун ва ҳужжатларнинг таҳлил этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ғ. Аҳмаджонов томонидан ўрганилган муаммо мазкур асар яратилган вақтга қадар тарихшунослик жиҳатдан ўрганилмаганини қайд этиш билан бирга, тадқиқотда кўпроқ урғу хорижий адабиётларга берилгани, маҳаллий манбалар ва мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу муаммо доирасида яратилган изланишларнинг кенгроқ таҳлилга тортилмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хонлик тарихшунослигига оид яна бир тадқиқот О. Масалиева томонидан амалга оширилган “XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи” номли илмий иши саналади<sup>62</sup>. Хонликларнинг инглиз-америка тарихшунослигида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан бирга Россия империяси томонидан забт этилиши масаласини ўрганишдаги асосий ёндашув ва тамойиллар тадқиқ этилган<sup>63</sup>. Шу билан биргаликда муаллиф АҚШ ва Англияда ташкил этилган Ўрта Осиё тарихини ўрганувчи илмий марказлар ва уларнинг фаолияти, асосий хусусиятлари ва масала доирасида уларнинг ёндашувларини таҳлил этиб берган<sup>64</sup>. Айтиш мумкинки, ушбу тадқиқот иши нафақат ўз даврига учун, балки ҳозирги кунда ҳам долзарб мавзулардан саналади. Тарихшунослик нуқтаи-назаридан юртимиз тарихига оид хориж адабиётларининг ўрганилиши ва уларнинг асосий йўналиш ҳамда тамойилларини аниқлаш муҳим вазифалардан саналади. Мазкур тадқиқот иши мустақиллик йилларида Қўқон хонлигининг хориж тарихшунослигида ўрганилиши масаласида амалга оширилган яққою-ягона иш ҳисобланади. О.Масалиеванинг ушбу диссертациясида хорижлик тадқиқотчилар томонидан Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаёти, жумладан хонликнинг ташкил топиши санасидаги ҳамда ҳукмдорларнинг давлатни бошқарган йилларидаги билдирган фикрлари таҳлил этилган. Ушбу тадқиқотда сиёсий соҳанинг бошқа жиҳатларига кам эътибор қаратилган бўлса, хонликнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаёти борасидаги тадқиқотлар таҳлил этилмаган.

---

<sup>62</sup> Масалиева О. XX аср инглиз–америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. Тарих фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1999. –173 б.

<sup>63</sup> Қаранг: Бу ҳақда батафсил диссертациянинг 3.2 параграфида маълумот берилади.

<sup>64</sup> Масалиева О. XX аср инглиз–америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. – Тошкент, 1999. –Б.16–42.

Қўқон хонлигининг Россия империяси билан дипломатик алоқаларининг XX аср иккинчи ярми тарихшунослиги таҳлилини амалга оширган В.Ишқуватов<sup>65</sup> мазкур муаммонинг совет даврида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида ўрганилишининг фарқли хусусиятларини таққослаб ўрганган. Шу билан биргаликда муаллиф Қўлмамат Мамадиёров ва Жағатой Тўлаганов каби элчиликлар ҳақида биринчи марта тўлиқ ва янги маълумотларни қайд этиб ўтади. Мана шу жиҳатлари билан ушбу тадқиқот иши хонлик тарихшунослигида муҳим ўрин тутди.

Сўнги йилларда хорижда хусусан, Россия ва Марказий Осиё тарихшунослигида ҳам мавзуга доир масалаларни кўришимиз мумкин<sup>66</sup>. Хусусан, Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олинishi масаласида изланиш олиб борган Россиялик С.Н. Брежневанинг тарихшунослик соҳасида олиб борган тадқиқотлари эътиборни тортади.

Муаллиф ўзининг бир қатор илмий ишларида<sup>67</sup> Ўрта Осиё хонликларини Россия империяси томонидан босиб олинishi масаласига “қўшиб олинди” тарзида ёндошади. XX асрнинг ўрталаридан Совет тарихшунослигида “мажбуран” қўлланила бошланган Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси томонидан “қўшиб олинди” ибораси XX асрнинг 80-йилларининг охирларида ҳам тарихийлик, ҳам илмийлик ҳамда объективлик нуқтаи-назардан исботлаб берилган масаладир. Ушбу тадқиқот ишида Марказий Осиё минтақаси тарихчилари томонидан сўнги йилларда амалга оширилган илмий изланишлар таҳлил этилиб, уларда илгари сурилган илмий хулосалар чуқур таҳлил этиб берилган. Айни бир масала юзасидан турли хил халқ вакилларининг фикрларини жамлаб, таҳлил этиб, ягона илмий хулоса чиқариш ўрганилаётган масалани ечимига оид салмоқли илмий фикрларни жамлайди ҳамда тарихшуносликнинг ривожига ҳисса қўшади. Лекин шу билан биргаликда манбалар ва ҳужжатларда қайд этиб ўтилган тарихий ҳақиқатни четлаб ўтиб, фанни маълум бир мафкурага, ғояга бўйсундириб, ана шу асосда “сохта тарих” яратиб ўзга халқ ва миллатни камситилиб кўрсатилиши тарих фани ривожига акс таъсир этади.

Ўрганилаётган давр тарихшунослиги хусусида яна шуни таъкидлаш керакки, нафақат Қўқон хонлигининг, балки бутун Фарғона водийси тарихини чуқур ўрганиш ва уни янги материаллар билан тўлдириш

<sup>65</sup> Ишқуватов В. XX аср II ярми тарихшунослигида Қўқон – Россия дипломатик муносабатлари. Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 139 б.

<sup>66</sup> Егоренко О.Е. “Бухарский эмират в период протектората России (1868–1920 гг.). Историография проблемы”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Москва. 2008.;

<sup>67</sup> Брежнева С.Н. Присоединение Туркестана к России: дискуссионные проблемы дореволюционной и советской историографии. – 287 с. Ўша муаллиф. Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России: вторая половина XIX в. – начало XXI в. – 622 с.

мақсадида Қўқон, Фарғона, Наманган, Андижон каби шаҳарларда ташкил этилган илмий анжуманлар<sup>68</sup> ҳам тарих фани соҳасини тадқиқ этишда муҳим ташаббуслардан бўлди. Мазкур илмий анжуманларнинг аксари халқаро миқёсда ташкил этилгани сабабли, Қўқон хонлигининг айрим муаммолари хусусида маҳаллий тарихчиларимиз билан бир каторда хорижлик олимларнинг ҳам бир канча маърузалари эълон қилинди. Анжуман материалларига диққат билан назар ташланса, хонлик тарихининг баъзи масалалари хусусида янги ва жиддий мулоҳазалар баён қилинган бўлса, баъзи бирларида маъруза мавзусининг торлиги, илмий янгилигининг йўқлиги, маълумотларнинг такрорланиши каби жараёнлар кўзга ташланади. Назаримизда, бундай камчиликларнинг мавжудлиги мазкур анжуманларнинг аксар иштирокчиларини ёш тадқиқотчилар ташкил этиши билан боғлиқ. Ушбу маърузаларни хонлик тарихшунослигига қўшилган ҳисса, деб баҳолаш мушкул вазифа ҳисобланади.

Шундай бўлсада, 2022 йилнинг 14-15 апрель кунлари “Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихи” ва 8-9 июнь кунлари Қўқон университетида “Қўқон хонлигининг Туркий халқлар давлатчилиги шаклланиши ва маданий меросида тутган ўрни” мавзуларида бўлиб ўтган халқаро конференцияларда бир катор янги илмий фикр ва хулосаларнинг келтирилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин<sup>69</sup>.

Мазкур йилларда Қўқон хонлиги тарихига оид адабиётларни ўрганиш чоғида ўрганилаётган масалага нафақат тарихчилар, балки адабиётчилар, ҳуқуқшунослар ҳам қўл урганини кўриш мумкин<sup>70</sup>. Лекин уларнинг баъзи бирларида айрим камчиликлар кўзга ташланади<sup>71</sup>.

<sup>68</sup> Қўқон асрлар силсиласида: Республика илмий–назарий конференцияси (14 май 2004 йил). – Қўқон, 2004.; “Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона водийси” мавзусидаги республика илмий–назарий анжумани материаллари. (22 декабрь 2004 йил). –Фарғона, 2004.; “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги Республика илмий–назарий анжумани материаллари. –Фарғона, 2009, 2012, 2014 йиллар.; “Фарғона водийсининг XVIII – XXI асрлардаги тарихини тадқиқ этишда ёзма, босма манбалар ва улардан фойдаланиш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. (11 май 2018 йил). – Андижон, 2018.; “Қўқон хонлигининг атоқли давлат арбоби ва саркардаси Амирлашкар Алиқулнинг ҳаёти ва фаолияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция. –Андижон. 2018.; “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. (26 апрель 2019 йил). –Фарғона, 2019.; Фарғона водийси жаҳон цивилизацияси тарихида: янги илмий натижалар” мавзусидаги илмий–амалий конференция. (4–5 октябрь). –Қўқон. 2019.; “Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари” республика илмий конференция материаллари. (6 июнь 2020 йил). –Наманган, 2020.

<sup>69</sup> “Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихи” мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференция материаллари. (14-15 апрель 2022 йил). –Тошкент, 2022. –431 б.; “Қўқон хонлигини Туркий халқлар давлатчилиги шаклланиши ва маданий меросида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. (8-9 июнь 2022 йил). –Қўқон, 2022.

<sup>70</sup> Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. –Тошкент: Шарқ, 1995. – 96 б; Шу муаллиф. Хуфия қатламлар. –Тошкент: Маънавият, 1999. – 144 б; Шу муаллиф. Худоёрхоннинг сўнги илинжи //Адабиёт ва санъат. –Тошкент, 2004. – №12. –Б. 21–32.; Болтабоев Ҳ. Амир Умархоннинг мактуби //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 1997. 27 октябрь; Қодирова М. Шерият ва муҳаббат маликаси. –Тошкент, 1998. – 112 б; Аҳмедова М. Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқ манбалари. Юридик фанлар номз. дисс... –Тошкент. 2010. –191 б. ва бошқ.

<sup>71</sup> Бу ҳақда диссертациянинг кейинги параграфларида батафсил тўхталиб ўтилади.

Мустақиллик йилларида Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар, уларда кўтарилган муаммолар ҳамда тадқиқот объектини ташкил қилувчи масалаларнинг мазмуни ва моҳиятидан англаш мумкинки, ушбу даврда Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди (гарчи ҳали ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар бўлса ҳам). Хусусан хонлик тарихига оид ёзма манбаларни тадқиқ этиш, таржима ва нашр қилиш бобида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Хонлик тарихининг кам ўрганилган жиҳатлари, жумладан, Россия билан дипломатик алоқалари, уни Россия империяси томонидан истило қилиниши масалалари янгича ёндашувлар асосида ёритиб берилди. Шу билан бирга сўнгги пайтларда Қўқон хонлиги тарихини янги методологик асосларда ўрганиш томон жиддий бурилиш кузатилмоқда. Буларнинг барчаси тарихчиларимиз Қўқон хонлиги тарихининг янги концепциясини яратишга киришганликларидан дарак беради<sup>72</sup>. Бунда энг аввало Қўқон хонлиги тарихи бўйича нисбатан мукамал тадқиқот ишларини олиб борган Ҳ. Бобобеков, Ш. Воҳидов, З. Илҳомов каби тарихчиларнинг хизматлари салмоқлидир. Бундай тадқиқотлар хонлик тарихининг мукамал ўрганилишига катта ҳисса бўлиб кўшилмоқда.

---

<sup>72</sup> Арслонзода Р.А, Ахунова М. Мустақиллик йилларида Қўқон хонлиги тарихининг ўрганилиши. <http://uzbegim.us>.